

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ ФАРХОД РАХМОНОВИЧ

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА
ЖАРОҲАТЛАРИНИ ОЗОН ВА ЛАЗЕРОТЕРАПИЯ БИЛАН
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ**

14.00.21 - Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Абдурахмонов Фарход Рахмонович

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатларини озон ва лазеротерапия билан комплекс даволаш 3

Абдурахмонов Фарход Рахмонович

Комплексное лечение сочетанной травмы мягких тканей челюстно-лицевой области с озоном и лазеротерапии 25

Abdurakhmonov Farkhod Rakhmonovich

Complex treatment of combined maxillofacial soft tissue injures with ozone and laser therapy..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХМОНОВ ФАРХОД РАХМОНОВИЧ

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА
ЖАРОҲАТЛАРИНИ ОЗОН ВА ЛАЗЕРОТЕРАПИЯ БИЛАН
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ**

14.00.21 - Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктор (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1725 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Боймуродов Шухрат Абдужалилович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ксембаев Саид Сальменович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси) Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Жанубий-Қозоғистон тиббиёт академияси (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темура кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.У.Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгашнинг илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Э.Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда кўшма жароҳатлар инсон ўлимига сабаб бўлиши буйича қон томир ва онкологик касалликлардан сўнгги учинчи ўринни эгаллайди. «Юз-жағ соҳаси жароҳатларининг сони сўнгги йилларда ортиб бормоқда, муаллифларнинг маълумотларига кўра кўшма жароҳатга учраган беморларнинг 69 % юз соҳаси зарарланади»¹. Кўшма жароҳатларда юз юмшоқ тўқималарнинг биргаликда зарарланиши, жароҳатни мураккаб клиник белгилар билан намоён бўлиши кузатилади ҳамда жароҳатлардан кейинги юзнинг функционал ва косметик нуқсонларини ривожланишига олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, жароҳатланиш оқибатида ҳар йили меҳнатга лаёқатли шахслар орасида 300 минг киши вафот этади, 7 миллиондан ортиқ инсон ногирон бўлиб қолади, бу эса мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси кўшма жароҳатларини ташхислаш, даволашнинг анъанавий ва замонавий усуллари, иммунологик омилларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатлари оқибатида юзага келадиган йиринглаш, чандиқлар ҳосил бўлиши каби асоратларини башоратлаш ва уларни олдини олиш, шунингдек бу касалликни комплекс даволаш масалалари ҳозирги кунда тўлиқ ечимини топилмаганлигини инобатга олиб, самарали даволаш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Беморларда жароҳатдан кейинги меҳнат қобилиятининг камайиши, стресс, психоэмоционал зўриқишлар ва маҳаллий соҳада юз юмшоқ тўқималари ҳолатининг салбий ўзгаришлари, даволашнинг замонавий усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида шикастланиш оқибатларини камайтириш ва уларнинг асоратларини олдини олишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатларини ташхисоти ва даволаш усуллари такомиллаштириш, шунингдек, замонавий тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасидаги юзага келадиган

¹ Умаров О.М.. Особенности сочетанной травмы челюстно-лицевой области. // Вестник экстренной медицины– 2016. –IX (1). -С.38-41.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

нуқсонлар ва ногиронлик кўрсаткичини камайтириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга, 2017 йил 20 июндаги ПК-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг йирингли яллиғланиш касалликларини даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида дунё олимларининг озондан фойдаланганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд (Izabella Sol et al., 2020 Гвозденко Т.А. и др. 2018; Виткина Т.И., Кытикова О.Ю 2017). Лекин айнан озон ва лазеротерапиядан юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатларини даволаш тўғрисидаги маълумотлар учрамайди. Шунинг учун илмий ишимизни озон ва лазеротерапиянинг юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатларини тикланишига таъсирини ва самарадорлигини баҳолашни ўрганишга бағишладик (Flaviana Soares Rocha et al., 2018). Кўпчилик муаллифларнинг фикрларига кўра озонотерапия ва юқори интенсивликдаги лазер жуда самарали номедикаментоз даволаш усули бўлиб ҳисобланади (Үйса, Ү., Үйса, et al., 2020). Шунингдек, озон молекулалари ҳужайрада моддалар алмашинувини яхшилаш эвазига очиқ жароҳатларнинг битишига ва тўқималарнинг тикланишига кўмаклашиши фанда исботланган. Озон иммун тизимини кучайтириш ва бир қанча биологик актив моддаларни ишлаб чиқиш хусусиятига эга. Озонотерапия ўзининг бактерицид, иммуностимулловчи, дезинтоксикацион ва яллиғланишга қарши хусусиятлари билан бошқа усуллардан ажралиб туради. Шунингдек, унинг оғриқ қолдирувчи, гемостатик ва биоэнергетик хусусиятлари ҳам адабиётларда келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шунга асосан, бугунги кунда касалликларни вақтида олдини олиш, ташхислаш ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, стоматологик касалликларни даволашда замонавий технологияларни кенг қўламда тадбиқ қилиш билан аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга эришиш каби вазифалар

назарда тутилган. Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам озондан фойдаланиб стоматологик касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилган (Камолов Ҳ.П., Азимов М.И., 2020). Қайталанувчи афтоз стоматитни озон қўллаган ҳолда даволашнинг самарадорлигини ошириш (Алимова.Д.М., 2018), юз жағ соҳаси суякларини синишини комплекс даволашда озондан фойдаланиш натижалари ўрганилган. Лекин, айнан юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарнинг қўшма жароҳатларини комплекс даволашда озон ва лазердан фойдаланиш борасида маҳаллий ва ҳорижий адабиётларда маълумотлар деярли учрамади.

Бугунги кунда, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини даволаш усулларини такомиллаштириш борасида кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо қўшма жароҳатларни ягона комплекс даволаш усулининг йўқлиги ушбу муаммонинг долзарблигини кўрсатмоқда. Бу эса ушбу жароҳатларни даволашдаги ечимини кутаётган вазифалар мавжудлигини англатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №№ 0120000260 «Инсон учун ижтимоий аҳамиятга эга инфекцион ва ноинфекцион этиологияли касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2020-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини комплекс даволашда озон ва юқори интенсив лазер нурларини қўллаш билан даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари турлари ва учраш частотасини таҳлил қилиш;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини озон билан даволаш самарадорлигини таҳлил қилиш;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини лазер билан даволаш самарадорлигини баҳолаш;

озон ва лазерни биргаликда қўллаганда юз юмшоқ тўқималарининг жароҳатларини комплекс даволашда самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини озонотерапия ва лазер билан даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида 2018-2021 йиллар давомида юз-жағ соҳаси қўшма шикастланишлари билан даволанган 12 ёшдан 67 ёшгача бўлган 125 нафар беморлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳати бўлган беморларнинг клиник-лаборатор ва инструментал текшириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг жароҳатланишини инфракизил термометрия ёрдамида баҳолаш йирингли асоратларини олдиндан аниқлаш имконини бериши асосланган;

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималарининг жароҳатларини озон билан даволаш самарадорлиги жароҳатнинг битиш жараёнида шишларнинг камайиши, жароҳат атрофи чандиқларининг силлиқланиши, оғриқнинг кескин камайиши, юз мушакларнинг ҳаракатчанлигини тикланиши каби клиник белгилар билан асосланган;

юз-жағ соҳасидаги юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини маҳаллий ва инфузион озонотерапия ҳамда юқори интенсив лазер нурланиши билан комплекс даволаш жароҳатнинг асоратсиз битиши 1,5 ва 1,8 баробарга қисқариши асосланган;

таклиф этилган озон ва юқори интенсив лазер нурланиши билан биргаликда даволаш беморларда иккиламчи чандиқларини даволашга, юзнинг чайнаш мушаклари фаолиятини тикланишига ҳамда гематокрит кўрсаткичининг нормаллашувига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юз соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини озонотерапия билан даволаш усуллари амалиётга тадбиқ этилган;

юз соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини динамикада асоратга учраш белгиларини олдиндан аниқлаш ва асоратларни олдини олиш усули жорий этилди;

жароҳатлар асоратларининг эрта белгилари, шиш, қизариш ва газакланишларни лазер ёрдамида аниқлаш ва кечки асоратлар йиринглаш, қўпол чандиқ пайдо бўлиши башоратланди;

тадқиқотлар натижалари асосида юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатларини даволаш ва асоратларини прогностик алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатория, инструментал ва статистик усулларга асосланган замонавий методологиядан фойдаланиш, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатларини тапхислаш ва даволашдан олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар билан мувофиқлиги ва таққосланганлиги, шунингдек, ваколатли ташкилотларнинг қарорлари билан тасдиқланганлигига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари клиник манзаралари ва лаборатор кўрсаткичлари асосидаги умумийлик даражаси ва хусусиятларини баҳолаш,

жароҳатларнинг тикланиш жараёнининг тезлашганлиги, уларнинг йиринглаш ва иккиламчи битиш каби асоратларининг камайганлиги, беморларнинг стационар ва амбулатор шароитларда даволаниш кунларининг қисқарганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатлари клиник, лаборатор мезонларини аниқлаш, диагностик ва прогностик аҳамиятини тизимлаштириш беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга асосланиб, эрта ва дифференциал даволаш алгоритмининг қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини озон билан комплекс даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Озоннинг тиббий-биологик хусусиятлари ва унинг турли соҳаларда хусусан юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини даволашда ишлатилиши” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 8н-р/572-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларининг асоратларни пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ташхислаш ва даволаш имконини берган.

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини лазеротерапия билан комплекс даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Лазернинг ўзига хос хусусиятлари, унинг стоматология ва юз-жағ жарроҳлигида қўлланилиши” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 июндаги 8 н-р/572-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларидан кейинги асоратларни даволаш усулини такомиллаштириш ва беморлар реабилитацияси сифатини ошириш имконини берган.

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини озон ва лазеротерапия билан комплекс даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасига, Республика Ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг амалий фаолиятига киритилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги 8 н-р/215-сон маълумотномаси). Жорий этилган натижалар юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари бўлган беморларини даволаш самарадорлигини ошириш, асоратларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларида, улардан 1 таси халқаро, 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини

нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, шундан 5 таси республика ва 2 таси чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ кўрсатилган, текшириш объекти ва предмети ҳақида маълумотлар берилган, Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технологик ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари белгиланган, иш натижаларини амалий ва илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга киритиш бўйича, мавзу бўйича нашр этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатларининг диагностикаси ва даволаш усулларининг замонавий ҳолати” деб номланган бўлиб, мавзу бўйича адабий манбаларнинг таҳлили келтирилган, бунда маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатлари ҳолати, озоннинг юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатларини даволашга таъсири ва юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларни даволашдаги лазер нурларининг фойдаланилиши ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган. Касалликнинг йиринглаш каби асоратларини олдини олиш ва даволаш борасидаги олинган натижалар ва муаммолар кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “тадқиқот материаллари ва қўлланилган текширув усулларини умумий таснифи” деб номланиб, унда тадқиқотдаги клиник материалнинг характеристикаси, клиник-лаборатор текширув, нур ташхиси, инфракизил термометрия ультратовуш текширув усуллари келтирилган.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослашган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиали юз-жағ жарроҳлиги бўлимларида 2018-2021 йиллар давомида юз-жағ соҳаси қўшма шикастланишлари билан даволанган 125 нафар 12 ёшдан 67 ёшгача бўлган беморлар ҳисобланади. Беморларнинг 82 нафарини эркалар ва 43 нафарини аёллар ташкил қилган. Ушбу беморларнинг барчаси жароҳат олганидан кейин шифохонага шошилиш равишида келтирилган. Беморларнинг 73,7% ўрта оғир ҳолатда, 26,3% эса оғир ҳолатда шифохонага ётқизилган, қониқарли аҳволдаги беморлар эса амбулатор шароитда даволанган.


Барча беморларга клиник-лаборатор, инструментал, нур ташхиси; ультратовуш таҳлили; инфракизил термометрия; заруриятига қараб магнит-резонанс томография; мультиспирал компьютер томография каби текширув

усулларидан ўтказилган. Шунингдек, барча беморларга жарроҳлик амалиётидан олдин зарурият бўлган беморларга қўшимча текширувлар қилинган. Бундан ташқари беморларни педиатр, терапевт, анестезиолог, ортодонт, оториноларинголог ва нейрожарроҳ каби мутахассислар кўриқдан ўтказган.

Тадқиқотда иштирок этган беморлар қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: биринчи назорат гуруҳига (I гуруҳ n=62) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан анъанавий усулда даволанган беморлар; иккинчи асосий гуруҳига (II асосий n=32) жароҳатлари озон билан даволанган беморлар;

учинчи асосий гуруҳига (III асосий n=31) юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари озон ва лазер билан биргаликда комплекс даволанган беморлар киритилди. тадқиқот гуруҳига юз-жағ соҳасининг турли қисмларидаги юмшоқ тўқималарининг кесилган, санчилган, эзилган ва йиртилган жароҳатлари бўлган беморлар киритилди.

Тадқиқотга киритилган барча беморларнинг 33 (26,4%) нафари ишлаб чиқариш оқибатида орттирилган, 92 (73,6%) нафари маиший жароҳатлар ва ушбу маиший шикастланишларнинг 44 (48,2%) нафари муштлашувлар оқибатида, 31 (33,4%) нафари автоҳалокатлар ва 17 (18,4%) нафари спорт жароҳатлари оқибатида жароҳатланганлар ташкил қилади.




1-расм. Жароҳатларнинг сабабларига кўра тақсимоти

Шикастланганлар орасида ўқотар қуроллардан, кимёвий воситалардан жароҳатланганлар кузатилмади. Юқоридагиларнинг аксарият қисмини туман шароитида истиқомат қилувчилар (71,7%) бўлса, шаҳар аҳолиси (28,3%) уларнинг камроқ қисмини ташкил қилади. Мавжуд туманларда яшовчи беморларнинг қарийб барчаси дастлаб яшаш ҳудудларидаги шифохоналарда

бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, сўнгра юз-жағ жарроҳлиги бўлимларига юборилган.

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг шикастланишлари бўлган беморларнинг жароҳат турларига кўра таҳлил қилинганда, кесилган жароҳатлар 18 (14,4%), кесилиб йиртилган 12 (9,6%), йиртилган 15 (12%),эзилиб йиртилган 22 (17,6%), урилиб йиртилган 15 (12%), санчиб тешилган 12 (9,6%), тишланган 5 (4%), инфекцияланган жароҳатлар 21(16,8%) ва нуқсонли жароҳатлар 5 (4 %) ни ташкил қилди.



2-расм. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатларини турларига кўра таҳлили

Беморларга бирламчи ёрдам кўрсатиш вақтини таҳлил шуни кўрсатдики, 1 соат ичида 37 (29,6%) нафар, 1 суткада 85 (68%) нафар, 3 (2,4%) нафар беморларга 3 суткадан кейин ёрдам кўрсатилган. Шифохонага ётқизилган беморларнинг 17 (13,6%) нафарида бош мия чайқалиши, 30 (24%) нафарида пастки жағ, 6 (4,8%) нафарида юқори жағ, 7 (5,6%) нафарида бурун, 3 (2,4%) нафарида ёноқ суякларининг синиши 8 (6,4%) нафарида бурун ёндош бўшлиқларининг жароҳатлари кузатилган.


Олинган натижаларни статистик таҳлили Biostatistika функцияларини узида акс этган Windows дастурий таъминот ёрдамида ўтказилди. Биз ўрганилаётган индикаторнинг (M) арифметик ўртача қийматини, стандарт оғиши (σ), ўртача хатолик (m), нисбий қийматларини (учраши ,%) ҳисоблашда вариацион статистик усулларидадан фойдаландик. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдента мезони (t) тамонидан тақсимот мейёрини (экцесс критерияси бўйича) ва умумий тафовутларнинг тенглигини (F - Фишер критерийси) текширувида хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун P < 0.05 ишонч даражаси қабул қилинди.

Учинчи боб. “Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатларини озон билан даволаш таҳлиллари натижалари“

Иккинчи тадқиқот гуруҳига киритилган беморларнинг 23 (71,8%) эркаклар ва 9 (28,2%) нафарини аёллар ташкил қилди. Барча жароҳатлар 17 (53,1%) нафари маиший, 13 нафари (40,6%) муштлашувлар оқибатида, 2 (6,3%) нафарини автоҳалокат оқибатида олингани аниқланди.

Юз соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари бўлган беморларнинг турларига кўра таҳлиliga кўра, кесилган жароҳатлар 9 (28,1%), кесилиб-йиртилган 4 (12,5%), эзилиб йиртилган 8 (25%), урилиб йиртилган 3 (9,3%), санчиб тешилган 2 (6,2%), тишланган 3 (9,3%), йиринглаган жароҳатлар 3 (9,3%) ва нуқсонли жароҳат 1 (3,1%) нафарни ташкил қилди.

Ушбу гуруҳ беморларини жароҳатлари жойлашувига кўра таҳлил қилинганда: пастки жағ соҳасида 7 (21,8%) нафар, бурун соҳасида 5 (15,6%) нафар, ёноқ соҳасида 4 (12,5%) нафар, юқори ва пастки лаб соҳасида 3 (9,4%) нафар, ияк соҳада 2 (6,3%) нафар, лунж соҳасида 3 (9,4%) нафар ва бир неча соҳаларнинг бир вақтда шикастланиши 8 (25%) нафарни ташкил қилганлиги аниқланди.



3-расм. Юз юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари жойлашувига кўра таҳлили

Беморларга 1 соат ичида 8 (25%) ва 1 сутка ичида 24 (75%) нафар беморга бирламчи ёрдам кўрсатилган. Маълумки юз соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатларида шу соҳадаги суяклар ҳам шикастланади. Шу жиҳатдан жароҳатлар таҳлил қилинганда пастки жағ синиши 13 (40,6%) нафар, юқори жағ синиши 2 (6,2%) нафар, бурун суяклари синиши 5 (15,6%) нафар, тиш ва алвеолар ўсиқлар жароҳатлари 2 (6,2%) нафар, ёноқ суяги синиши 3 (9,3%) нафар, кўз косаси суяклари синиши 1 (3,1%) нафар ва бурун ёндош бўшлиқлари жароҳатлари 6 (19%) нафар беморларда учради.

Шифохонага ётқизилган беморларнинг 3 (9,4%) нафарида калла суяклари ва бош мия жароҳатлари кузатилган.

Ушбу гуруҳ беморларини даволашда анъанавий даво чоралари билан биргаликда Озонотерапия қўлланилди (n=32). Озонни маҳаллий ва умумий усулда қўлладик. Бунинг учун Longivity Ext 120 (Буюк Британия) тиббий озонли мосламаси ишлатилди. Озонни маҳаллий қўллаганда жароҳат соҳаси


атрофига озон юбориш учун эса 3мг/л концентрацияда 1-2 мл шприцларга олиб тайёрланди. Бундан ташқари озонни умумий усулда қўллаганда инфузион озонотерапия учун озонга тўйинтирилган 100 мл физиологик эритмадан фойдаланилди. Озонли зайтун мойи эса 3 мг/л концентрацияда 50-100 мл микдорида тайёрланди.

Ушбу гуруҳ беморларда жароҳатни битишини баҳолаш мақсадида ҳар 3 кунда жароҳат атроф тўқималарини ультратовуш текшируви қилинди (Mindray DS-37, Хитой). Шунингдек, жароҳат юзасидаги маҳаллий ҳароратни ўлчаш ва жароҳатнинг кечишини башоратлаш мақсадида СЕМ ThermoDiagnostics (Россия) тиббий мосламасидан фойдаланилди. Ушбу беморларини 12(16,4%) нафарида жароҳатдаги ёт жисмни аниқлаш мақсадида магнит резонанс томография (МРТ) текшируви амалга оширилди. МРТ-Siemens (Германия) фирмасининг Magnetom Open/Viva аппаратида бажарилди. Юз суяклари синиши бўлган қўшма жароҳати бор беморларга суякларнинг синиқ бўлакларини ҳолатини баҳолаш мақсадида мулти спирал компьютер томографияси (МСКТ) қилинди. МСКТ Somatom Emotion 6, Siemens (Германия) аппаратида амалга оширилди.

Лаборатор текширув усуллари қисмида қон ва сийдикнинг умумий таҳлиллари, қоннинг биокимёвий таҳлили, қон ивувчанлиги, қондаги қанд микдори динамикада кузатилди.

Юз скелети суяклари қўшма жароҳати бўлган ва операция қилинган беморларда суякларни ҳолатини динамикада кўриш учун рентгенография ўтказилди.


Ушбу бобда 1-назорат ва 2-асосий гуруҳлардаги даволаниш натижалари динамикада ўзгаришлари таҳлил қилинган. Беморларда бош ва жароҳат соҳасидаги оғриқлар, бош айланиши, жароҳатдан қон кетиш, юз соҳасидаги сезги ва тишловнинг бузилиши, юз ва жароҳат соҳаларидаги шиш каби клиник белгилар аниқланди (1 жадвал).




4-расм. Юз-жағ соҳаси жароҳатлари бор беморларнинг клиник белгилари

Беморлар шифохонага қабул қилинганида 1-гурухдагиларнинг 100% ида умумий ҳолсизлик, бош оғриғи 94,3% ва бош айланиши 40,2% ида аниқланган. Даволаш натижасида динамикада 3-4 кунлари умумий ҳолсизлик 75,2%, бош оғриғи 43,4%, бош айланиши 5,8% га ва шифохонада даволашнинг якунида умумий ҳолсизлик 13,6%, бош оғриғи 7,2%, бош айланиши умуман кузатилмади.

2-гурух озон билан даволанган беморларда умумий ҳолсизлик динамикада 3-4 кунлари 98% дан 53,3% га, бош оғриғи 95,7% дан 38% ва бош айланиши 38,2 дан 4,1% га қисқарганлиги аниқланди. Даволашнинг якунида умумий ҳолсизлик 9,5%, бош оғриғи 5,2%га қисқарди бош айланиши эса аниқланмади.




5-расм. Биринчи гуруҳ беморларида умумий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши



6-расм. Иккинчи гуруҳ беморларида маҳаллий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши

Маҳаллий белгилардан оғриқ, жароҳат соҳасидаги шиш ва қон талаш, яъни гематома таҳлил қилинди. Биринчи гуруҳдагиларда жароҳат соҳасидаги оғриқ шифохонада даволинишнинг биринчи куни барча беморларда кузатилди ва динамкада 3-4 кунлари 92,5% ва даволашнинг якунида 33,5% ида оғриқ сақланиб қолди. Жароҳат атрофидаги шишлар таҳлил қилинганида дастлаб 100% беморларда шиш аниқланди, динамкада 71,2% ва якунида 44,1% ида шиш сақланиб қолди. Гематома ва қон талашлари 1- гуруҳдаги беморларнинг 70.3% ида аниқланди, 3-4 кунлари 44,2% ва шифохонадан жавоб бўлганида бу белги 20% беморда сақланиб қолганлиги аниқланди.



7-расм. Биринчи гуруҳ беморларида маҳаллий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши



8-расм. Иккинчи гуруҳ беморларида маҳаллий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши

Озон билан даволанган 2- гуруҳда жароҳат ва юз соҳасидаги оғриқ динамикада 98,5% дан 31,1% га ва даволашнинг якунида оғриқ аниқланмади. Шиш 3-4 кунлари 100% дан 36,7% ва даволашнинг якунида шиш аниқланмади. Гематома ушбу гуруҳда динамикада 70% дан 23% га қисқариб даволашнинг якунида гематома умуман аниқланмади.

Қоннинг умумий таҳлили, қоннинг биохимик таҳлилларини анъанавий ва озон билан комплекс даво муолажаларини олган беморларда таққосланганда гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар, ранг кўрсаткичи, тромбоцитлар, нейтрофиллар, моноцитлар, лимфоцитлар, эритроцитларнинг чўкиш тезлиги каби қоннинг кўрсаткичларидаги ўзгаришлар таққослаб таҳлил қилинди.

Шунингдек, тадқиқот гуруҳига киритилган беморларнинг жароҳат юзаси 1,5 ва 10 кунлари динамикада ўзгариши натижалари таҳлил қилиб борилди. Назорат гуруҳидаги беморларда биринчи куни жароҳат юзаси ўртача $20 \pm 4,5$ см² ни ташкил қилди. Даволаниш натижасида 5-куни $15 \pm 3,2$ см² га ва 10-куни $5 \pm 1,6$ см² га қисқарди.

Озон билан даволанган 2-гуруҳ беморларида яра юзаси кузатилганда бу кўрсаткичлар анча тез ўзгарганлигининг гувоҳи бўлди. Жароҳат юзаси биринчи куни ўртача $21 \pm 5,3$ см² ни ташкил қилди, 5 куни $9,2 \pm 2,4$ см² га ва 10 куни $0,5 \pm 0,3$ см² га қисқарди. Тадқиқотга киритилган 2-гуруҳ беморларнинг 27 тасида, яъни 84,4% ида ЮЖСЮТҚЖ бутунлай йўқолганлигини кузатиш мумкин.

1-жадвал

Қоннинг умумий таркибининг динамикада ўзгариши таҳлили

Қоннинг таркибий элементлари	1-назорат гуруҳи			2-асосий гуруҳ		
	1-кун	5-кун	10-кун	1-кун	5-кун	10-кун
Гемоглобин	116±0,5г/л	110±0,7г/л	113±0,4г/л	114±0,3г/л	116±0,8г/л	118±±0,9г/л
Эритроцитлар	6±0,5x10 ¹²	5,4±0,4x10 ¹²	5,1±0,6x10 ¹²	6,1±0,7x10 ¹²	6,7±0,5x10 ¹²	6,9±0,5x10 ¹²
Лейкоцитлар	6±0,4x10 ⁹ /л	10,8±0,3x10 ⁹ /л	8,4±0,7x10 ⁹ /л	6,1±0,5x10 ⁹ /л	7,3±0,6x10 ⁹ /л	5,2±0,1x10 ⁹ /л
Сигмент ядроли нейтрофил	80%	75%	67%	78%	54 %	46%
Таёқча ядроли нейтрофил	9%	7%	5%	8%	5%	2%
ЭЧТ	16 мм/соат	22 мм/соат	20 мм/соат	13 мм/соат	16 мм/соат	10 мм/соат

фарқларнинг ишончлилиги: 1 ва 2-гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

2-жадвал

ЮЖСЮТҚЖ юзасининг анъавий ва озон билан даволаш гуруҳидаги беморларнинг жароҳат юзаларининг динамикада ўзгариш натижалари

Тадқиқот гуруҳлари	Жароҳат юзаларининг динамикада ўзгариши					
	1-кун	5-кун	10-кун	1-кун	5-кун	10-кун
1-гуруҳ	20±4,5 см ²	15±3,2 см ²	5±1,6 см ²	100%	75%	25%
2-гуруҳ	21±5,3 см ²	9,2±2,4 см ²	0,5±0,3 см ²	100%	43,8%	2.3%

фарқларнинг ишончлилиги: 1 ва 2-гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

Юз соҳасидаги жароҳатларнинг озон таъсирида тикланилиши анъанавий даволаш усуллариغا нисбатан сезиларли даражада тезлишганлиги асосланди. Анъанавий даволаш жароҳатнинг тикланишига 75% самарадор бўлса, озон билан 94,7%ни ташкил қилди, бу эса озонотерапия анъанавий даволаш усуллариغا нисбатан устунлиги ва самарадорлигини кўрсатади. Мана шу иккала гуруҳ беморларининг шифохонада даволаниш кунлари ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари таҳлил қилинганида ҳам уларнинг ўртасидаги фарқни аниқладик.

ЮЖСЮТҚЖ билан анъанавий усулда даволанган 1-гуруҳ беморларининг стационар шароитда даволаниш кунлари ўртача 11±3 кунни ташкил қилди. 2- гуруҳдаги беморлар шифохонада ўртача 8±1,5 кун даволанган. Уларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари кўриб чиқилганда 1-гуруҳдаги беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари 22±5 кунни ва 2-гуруҳдагиларда бу кўрсаткич ўртача 14±2 кунни ташкил қилди.

Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг стационар ва амбулатор шaroитда даволаниш ва меҳнатга лаёқатсизлик кунлари

Тадқиқот гуруҳлари	Беморларнинг шифохонада даволаниш кунлари		Беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари		Беморларнинг амбулатор шaroитда даволаниш кунлари	
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	1-гуруҳ	2-гуруҳ	1-гуруҳ	2-гуруҳ
	11±3 кун	8±1,5	22±5	14±2	11±1,5	7±0,7

фарқларнинг ишончилиги: 1,2 ва 3-гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

Иккинчи асосий гуруҳдаги ($n=32$) беморларнинг барчасининг жароҳатлари даволаш таҳлиллари натижаларини баҳолаш мақсадида инфрақизил термометрия ёрдамида текшириб борилди. Жароҳатларга бирламчи жарроҳлик ишлови берилганидан кейинги 1,3,5 ва 8 кунлари инфрақизил термометрия кўрсаткичлари таққослаб борилди. Жароҳат юзасидаги маҳаллий ҳарорат СЕМ ThermoDiognostics инфрақизил термометр ёрдамида асосий ва таққослаш нуқталарида текширувлар олиб борилиб, олинган натижалар қайд қилиб борилди. Маҳаллий ҳарорат ҳар бир нуқтада 1 сония давомида текширилди. Олинган таҳлиллар касалликнинг клиник кечиши билан таққослаб борилди. Шунингдек, 1-назорат гуруҳидаги ($n=63$) анъанавий даво усуллари билан даволанган беморлар билан ҳам таҳлил натижалари таққослаб борилди. Маҳаллий ҳарорати $1,5^{\circ}\text{C}$ дан ошмаган беморлар жароҳатларининг битиш жараёнлари асоратсиз йирингламасдан кечганлиги аниқланди. Жароҳат соҳасида маҳаллий ҳарорати $1,5^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган беморларда ва мана шу кўрсаткич 2-3 кундан ортиқ муддатда сақланиб турганларда жароҳатга инфекция қўшилиб, йиринглаш ҳолати кузатилди. Бундай беморлар 2-асосий гуруҳдаги беморларнинг 3 тасида (9,3%) кузатилди.



9-расм. Бемор Анинг маҳаллий ҳароратининг динамикада ўзгариши тасвирланган

Бундай ҳолларда беморларнинг жароҳат юзаси УТТ ёрдамида текширув ўтказилди, жароҳат бўшлиғида суюқлик борлиги аниқланди ва жароҳат тафтиш қилиниб бактериологик текширув ўтказилди. Жароҳатга бирламчи жарроҳлик ишлови берилган соҳаларда ҳарорат 1 кундан ортиқ муддатда 1 °Сдан паст рақамлар қайд қилинганида жароҳатнинг тикилган лахтагининг ишемиясидан далолат берди. Ушбу соҳада микроциркуляцияни яхшилаш мақсадида инфузион озонотерапия ўтказилди, жароҳат юзасига озонли физиологик эритма билан ишлов берилди ва 4% ли активоген дори воситаси мушак орасига жўнатилди. Шундай қилиб ЮЖСЮТҚЖлари бирламчи жарроҳлик ишлови берилган беморларда йиринглаш билан кечган жароҳатларнинг асоратланмаган жароҳатлардан инфрақизил термометрия кўрсаткичлари тубдан фарқ қилганлигини кўрсатди. Клиник кузатувда бўлган беморлардан келтирилган мисоллар ҳам буни тасдиқлайди.



3-расм. Бемор А нинг операциядан кейинги 1-кундаги термограммаси



4-расм. Бемор А нинг операциядан кейинги 3-кундаги термограммаси



5-расм. Бемор А нинг операциядан кейинги 5- кундаги термограммаси



6-расм. Бемор А нинг операциядан кейинги 7-кундаги термограммаси.

Шундай қилиб, инфрақизил термометрия ЮЖСЮТҚЖлари йиринглаш каби асоратларининг клиникаси намоён бўлишидан олдинги белгиларини башпоратлашга имконият яратади. Бундан ташқари, даволаш режасини тўғри танлашга ва реконструктив операцияни аниқлаштиришга ва ижобий якуний натижаларга эришилади.

Шундай қилиб, озонотерапиянинг умумий самарадорлиги анъанавий терапиядан устун: анъанавий даволаш усуллари қўлланганда $\geq 23,6\%$ ва озонотерапия қўлланганда $\geq 39,7\%$ га яхшиланган; қондаги динамика мос равишда, $\geq 20,8\%$ ва $\geq 36,2\%$ ни ташкил этди.

Диссертациянинг **“Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини лазер ва озон билан комплекс даволаш таҳлилари натижалари”** деб номланган тўртинчи бобда лазер ва озоннинг биргаликда ишлатилиши ушбу жароҳатларнинг тикланишига таъсири анъанавий ва озон билан даволанган беморларнинг натижалари билан таққосланиб таҳлил қилинди.

Ушбу тадқиқот гуруҳига киритилган беморларнинг 28 (90,3%) нафари эркаклар ва 3 (9,7%) нафари аёллар ҳисобланиб, юз юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари жойлашувига кўра таҳлил қилинганида: пастки жағнинг тана соҳаси жароҳати 12(37,5%) нафар; ияк соҳаси жароҳатлари 5(15,6%) нафар; лунж соҳаси жароҳатлари 4(12,5) нафар; бурун юмшоқ тўқимаси жароҳатлари 3(9,3%) нафар; пешона соҳаси жароҳатлари 3(9,3%) нафар; юқори ва пастки лаб жароҳатлар 1(3,1%) нафар; ёноқ соҳаси жароҳатлар 2(6,2) нафар; бир неча соҳаларнинг қўшма жароҳатланиши 2(6,3%) нафар ва нуқсонли жароҳатлар 1(3,1) нафарни ташкил қилди.

Жароҳатлар турларига кўра таҳлил қилинганида: кесилган 6 (19,4%); кесилиб йиртилган 1 (3,2%); йиртилган 7 (22,6%); урилиб-йиртилган 5 (16,1%); эзилиб йиртилган 9 (29%); санчиб тешилган 3 (9,7%) эканлиги аниқланди. Уларнинг сабабларига кўра кўриб чиқилганда: маиший 18 (58%); муштлашувлар 12 (38,7%) ва автоҳалокатлар оқибатида 1(3,2%) юзага келган. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг 1 соатда 12 (38,7%) ва 1 сутка давомида 19 (61,3%) нафар шифохонага мурожат қиллиги аниқланди. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини лазер ва озон билан комплекс даволашда беморларнинг клиник белгиларининг динамикада ўзгариши ушбу комбинирланган даволашнинг янада самарали эканлигини кўрсатди. Буни таҳлил қилинганида маҳаллий ва умумий белгиларининг ижобий томанга ўзгариши 1 ва 2-гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада яхшироқ эканлиги аниқланди. Беморлар шифохонага қабул қилинганида 3-гуруҳдагиларнинг 98,7% ида умумий ҳолсизлик, бош оғриғи 96,5% ва бош айланиши 41,5% ида аниқланган. Умумий белгилар динамида таҳлил қилинганида 1-гуруҳда динамикада 3-4 кунлари умумий ҳолсизлик 75,2%, 2-гуруҳдагиларда кузатилганда умумий ҳолсизлик динамикада 3-4 кунлари 98% дан 53,3% га ва 3 гуруҳда 98,7%дан 39,2% га қисқарди. Бош оғриғи дастлаб 98,3% булган бўлса динамикада 30,1%га камайди, бу кўрсаткич 1-гуруҳда 43,4%, ва 2-гуруҳда 38% га камайган эди. Бош айланиши эса динамикада 3-4 кунлари 32% дан 2,2 % га қисқарди ва беморлар шифохонадан жавоб бўлганида умуман

кузатилмади. Умумий ҳолсизлик ва бош оғриғи эса якунида 10,7% ва умумий ҳолсизлик қайд қилинмади.

Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималарининг қўшма жароҳатларини лазер ва озон билан комплекс даволашда беморларнинг клиник белгиларининг динамикада ўзгариши ушбу комбинирланган даволашнинг янада самарали эканлигини кўрсатди. Буни таҳлил қилинганида маҳаллий ва умумий белгиларининг ижобий томанга ўзгариши 1 ва 2-гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада яхшироқ эканлиги аниқланди. Беморлар шифохонага қабул қилинганида 3-гуруҳдагиларнинг 98,7% ида умумий ҳолсизлик, бош оғриғи 96,5% ва бош айланиши 41,5% ида аниқланган. Умумий белгилар динамида таҳлил қилинганида 1-гуруҳда динамикада 3-4 кунлари умумий ҳолсизлик 75,2%, 2-гуруҳдагиларда кузатилганда умумий ҳолсизлик динамикада 3-4 кунлари 98% дан 53,3% га ва 3 гуруҳда 98,7%дан 39,2% га қисқарди. Бош оғриғи дастлаб 98,3% булган бўлса динамикада 30,1%га камайди, бу кўрсаткич 1-гуруҳда 43,4%, ва 2-гуруҳда 38% га камайган эди. Бош айланиши эса динамикада 3-4 кунлари 32% дан 2,2 % га қисқарди ва беморлар шифохонадан жавоб бўлганида умуман кузатилмади. Умумий ҳолсизлик ва бош оғриғи эса якунида 10,7% ва умумий ҳолсизлик қайд қилинмади.

Маҳаллий белгилардан жароҳат соҳасидаги оғриқ, шиш ва қон талаш белгиларининг динамикада ўзгариши таҳлил қилинганида ҳам 3-гуруҳдаги ўзгаришлар олдинги икки гуруҳга нисбатан анча самарали эканлигини кўрсатди. Рақамларнинг динамикада ўзгариши таҳлил қилинганида озон билан даволанган 2- гуруҳда жароҳат ва юз соҳасидаги оғриқ динамикада 98,5% дан 31,1% га, 3 гуруҳда 95,3% дан 20,3% га ва даволашнинг якунида оғриқ аниқланмади. Шиш 3-4 кунлари 100% дан 36,7% 3-гуруҳда 100% дан 29,4% га ва даволашнинг якунида шиш аниқланмади. Гематома ушбу гуруҳда динамикада 70% дан 23%га, 3- гуруҳда эса 88,2 % дан 18,7% га камайди қисқариб даволашнинг якунида гематома умуман аниқланган. Бундан кўришиб турибдики юз соҳасидаги жароҳатларга лазер ва озоннинг биргалликда комплекс даволаш таъсири анъанавий ва озон билан даволашга нисбатан анча самарали экан. Бундан ташқари юқори интенсивликдаги лазер билан даволанган беморлар жароҳатларининг битиш жараёнлари SEM ThermoDiognostics инфрақизил термометр ёрдамида текширилиб, жароҳатларнинг тикланиши кузатилди ва 1-гуруҳдаги беморлар билан даволаш натижалари таққосланди. Ушбу гуруҳ беморларига 5-7 кун мабойнида VTL-6000 лазер мосламасида юз-жағ соҳасидаги жароҳатлар учун мулжалланган дастур асосида умумий қуввати 500J, дозаси 20J/см², 1,00Вт кучланишдаги 08:20 минут давомида юқори интенсивликдаги лазеротерапия ўтказилди.

Даволаш самарасини таҳлил қилиш мақсадида жароҳатнинг 1,3,5 ва 8 кунлари инфрақизил термометрия ўлчовлари ўтказилиб таққослаб борилди. Беморларнинг умумий қон таҳлиллари такроран таққослаш ва даволаш

самарадорлигини аниқлаш мақсадида 5,8 ва 10 кунлари текширилди. Беморларнинг шикоятлари, субъектив ва объектив кўрик натижалари таҳлил қилиниб, ўзгаришлари қайд этиб борилди.

3-асосий гуруҳда даволанган беморлар жароҳатларининг кечишига қараб тоза ва инфицирланган жароҳатларга ажратилди. Тоза жароҳатлар 16 нафар бўлса (48,4%), йирингли жароҳатлар 16 тани (51,6%) ташкил қилди.

Тадқиқотга киритилган 1,2 ва 3 гуруҳ беморларининг жароҳат юзаси ҳажмининг ўзгариши таққосланиб таҳлил қилинди.

4-жадвал

ЮЖСЮТҚЖ 1,2 ва 3 гуруҳидаги беморларнинг жароҳат юзаларининг динамикада ўзгариш натижалари

Тадқиқот гуруҳлари	Жароҳат юзаларининг ўзгариши					
	Жароҳат юзасининг ўзгариши см ² ифодаланиши			Жароҳат юзасини ўзгариши фоизларда ифодаланиши		
	1-кун	5-кун	10-кун	1-кун	5-кун	10-кун
1-гуруҳ	20±4,5 см ²	15±3,2 см ²	5±1,6 см ²	100%	75%	25%
2-гуруҳ	21±5,3 см ²	9,2±2,4 см ²	0,5±0,3 см ²	100%	43,8%	5,3%
3-гуруҳ	22±6,2 см ²	8,4±3,1 см ²	0,3±0,1 см ²	100%	38,1%	1,36%

фарқларнинг ишончлилиги: 1,2 ва 3-гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

3-асосий гуруҳ беморларининг шифохона, амбулатор шароитда даволаниши ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари қолган икки гуруҳдаги беморлар билан таққосланганда бу рақамлар камлигини кўрсатди.

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг даволаниш ва меҳнатга лаёқатсизлик кунлари

Беморларнинг шифохонада даволаниш кунлари			Беморларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари			Беморларнинг амбулатор шароитда даволаниш кунлари		
1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
11±3	8±1,5	7±1,3	22±5	14±2	12±1	11±2	4±0,5	3±0,4

фарқларнинг ишончлилиги: 1 ва 2-гуруҳлар ўртасида $p < 0,05$.

Ушбу гуруҳга киритилган беморларнинг 23 таси яъни 74,1% инфицирланган жароҳатлар бўлганлиги сабабли уларининг даволаш жараёни ҳам ўзига хос кечди. Бу беморлар жароҳатларининг тикланиш жараёнлари инфракүзил термометрия усулида текшириб борилди. Ушбу жароҳатлардаги маҳаллий ҳарорат 1-2 кунларда бошқа нуқталарга нисбатан 1,5 °Сдан юқори бўлиб турганлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида инфракүзил

термометриянинг сезгирлигини ва жароҳатда йирингли яллиғланиш жараёнлари содир бўлаётганлигидан далолат берди.

Юқорида айтиб ўтилган 74,1% беморларга ўз вақтида лазер ва озон билан комплекс даво муолажаларини олиб бориш натижасида тана ҳарорати ва жароҳат юзасидаги ҳарорат 48 соат ичида меъёрлашди. Жароҳатдаги йиринглаш жараёнларининг мавжудлиги УТТ ёрдамида кузатилиб борилди.

Бундан кўриниб турибдики, лазер ва озон билан комплекс даволаш жароҳат юзасидаги маҳаллий ҳароратнинг эришилади.

Шундай қилиб, ЮЖСЮТҚЖларини лазер ва озон билан комплекс даволаш ўзининг самарадорлиги ва бошқа усуллардан анча афзаллиги билан ажралиб туради. Бунда жароҳат юзасининг битиш жараёнини кузатиш, кутилиши мумкин бўлган йиринглаш асоратларини башорат қилиш мақсадида инфрақизил термометриядан фойдаланиш қулай ва зарур усуллардан ҳисобланади.

ХУЛОСАЛАР

«Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатларини озон ва лазеротерапия билан комплекс даволаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Озонотерапия қўллаган ҳолда юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари комплекс даволанганда жароҳатни хлоргексидин билан анъанавий даволаш усулларига нисбатан самарали эканлиги асосланди ва бу клиник, лаборатор таҳлил натижаларида ўз аксини топди. Беморнинг субъектив ва объектив белгилари сезиларли даражада ижобий томонга ўзгариши аниқланди. Озонотерапиянинг умумий самарадорлиги анъанавий терапиядан устун: анъанавий даволаш усуллари қўлланганда

$\geq 23,6\%$ ва озонотерапия қўлланганда $\geq 39,7\%$ га яхшиланган; қондаги динамика мос равишда, $\geq 20,8\%$ ва $\geq 36,2\%$ ни ташкил этди.

2. Юз соҳасидаги жароҳатларнинг озон ва лазер таъсирида тикланилиши анъанавий даволаш усулларига нисбатан сезиларли даражада тезлашганлиги асосланди. Анъанавий даволаш жароҳатнинг тикланишига 75% самарадор бўлса, озон билан 94,7% ва озон ва лазер биргаликда ишлатилганда комплекс даво самарадорлиги 98,7%ни ташкил қилди.

3. ЮЖСЮТЖ бор анъанавий усулда даволанган, озон билан даволанган ва лазер билан озон биргаликда даволанган беморлар таққосланганда стационарда даволаниш кунлари 1,4 ва 1,6 баробарга, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик кунлари эса 1,5 ва 1,8 мартага қисқарди.

4. Озон ва лазернинг юқори клиник ва регенератив самарадорлиги юз-жағ соҳасидаги жароҳатлар яллиғланиш жараёнларининг меъёрлашуви инфрақизил термометрия ёрдамида тўқималар фаолиятининг тикланиши башорат қилишда ўз аксини топди.

5. Юз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари жароҳатларига озон ва лазеротерапия билан даволаш алгоритмини қўллаш касалликни клиник, клиник функционал ва клиник лаборатор жиҳатдан ижобий томонга ўзгаришини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.06. 2020.Tib.102.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУРАХМОНОВ ФАРХОД РАХМОНОВИЧ

**КОМПЛЕКСНОЕ ЛЕЧЕНИЕ РАН МЯГКИХ ТКАНЕЙ СОЧЕТАННОЙ
ТРАВМЫ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ С ПРИМЕНЕНИЕМ
ОЗОНА И ЛАЗЕРОТЕРАПИИ**

14.00.21 - Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/Tib1725.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.sammi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Боймуродов Шухрат Абдужалилович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Ксембаев Саид Сальменович доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация) Юлдошев Абдуазим Абдувалиевич доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Южно-Казахстанский медицинский академия (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 при Самаркандском государственном медицинском институте (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz)

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66;

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «__» _____ 2022 года).

Ж.А.Ризаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Г.У.Самиева
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

К.Э.Шомуродов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день сочетанные повреждения как причина смерти занимают третье место после сердечно-сосудистых и онкологических заболеваний. Количество травм челюстно-лицевой области за последние годы увеличивается, по сведениям авторов в 70% случаях при сочетанных повреждениях травмируется область лица¹. При сочетанной травмы одновременное поражение мягких тканей челюстно-лицевой области характеризуется сложными клиническими признаками, а также развитием функциональных и косметических дефектов лица, что подтверждает актуальность темы.

В мире проводится целый ряд исследований, направленных на диагностирование, уточнение традиционных и современных методов лечения и определение иммунологических факторов сочетанных повреждений челюстно-лицевой области. В этой связи, возникающие в результате сочетанных повреждений мягких тканей челюстно-лицевой области нагноения, прогнозирование и предотвращение возникновения рубцов, а также учитывая, что вопросы комплексного лечения данного заболевания на сегодняшний день не нашли своего полного завершения, особое место занимают научные исследования посвящённые реализации мер по внедрению в практику порядка эффективного лечения.

В нашей республике на сегодняшний день осуществляются широкомасштабные реформы по развитию медицинской сферы, адаптации системы здравоохранения требованиям мировых стандартов, уменьшению последствий повреждений и предотвращению их осложнений среди населения. В связи с этим были определены задачи по «повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики»². Их реализация даст возможность усовершенствовать диагностику и методы лечения сочетанных повреждений мягких тканей челюстно-лицевой области, а также поднятию на новый уровень качества современных медицинских услуг и посредством совершенствования применения современных технологий при качественном медицинском обслуживании, снижению пороков и показателя инвалидности при осложнении заболевания.

Данная диссертационная работа в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан: УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП – 5590 «О

¹ Умаров О.М. Особенности сочетанной травмы челюстно-лицевой области. //Вестник экстренной медицины–2016. –IX (1). –С.38-41.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

